



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 16 август, № 158 (6088)

Шанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



Мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ тўйига “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг аҳил жамоаси ҳам муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Шундай фараҳбахш дамларда тинчлик-осойишталик ҳамда фаровон ҳаётимиз тимсолига айланган юртимиз фуқаро авиацияси босиб ўтган ривожланиш йўли, эришилган ютуқлар беихтиёр кўз ўнгимизда гавдаланади.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

Юксалишнинг янги уфқлари



Зеро, истиқлол йилларида она-Ватанимиз байроги тасвири туширилган “ўлат қушлар” Ўзбекистонимизни ҳаво йўллари орқали дунёнинг кўплаб давлатлари билан боғлаб, ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражадаги сервис хизматлари кўрсатиб келмоқда. Шубҳасиз, бунда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб миллий ҳаво йўллари тараққиёти учун таъкиллий-ҳуқуқий асос яратилиб, соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида самолёт паркни тубдан янгиланиб, замонавий русумдаги ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича илғор база яратилди. Шунингдек, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими реконструкция қилиниши асосида, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилди. Соҳада замон талабларига тўла мос келаётган мустақам моддий-техник база ва буткул янги инновацион асос солинди. Буларнинг барчаси молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам иқтисодий барқарорлик суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги бевосита фойдалани-

ИСЛОХОТ

лаётган техникалар ва уларнинг имкониятларига боғлиқ. Шу боис 2004 йилдан бошлаб барча эскирган техникалар босқичма-босқич илғор моделларга алмаштирилди. Бугунги кунда кенг фойдаланилаётган “Боинг-757/767”, “А320”, ўзимизнинг “Ил-114-100” авиалай-

нерлари диёримиз кўрку фахрига айланган.

Диққатга сазовор жиҳати, уларнинг барчаси бизнес-классга эга бўлиб, парвоз давомида вақтни мазмунли ўтказишлари учун мижозларга зарур қўлайликлар яратилган. Йўловчиларга планшет компьютерлари тақдим этилиши бунга бир мисолдир. Яқин келажақда бундай имкониятлар янада кенгайди. Чунки 2016 йилда МДХ худудида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонга энг инновацион ва тежамкор ҳаво кемаси — “Боинг-787-8 Дримлайнер” олиб келинади.

Самолётларимиз қанча замонавийлашиб бораётган бўлса, аэропортлар ҳам шунга яраша кўркам қиёфа касб этмоқда. Жумладан, жаҳон стандартларига монанд учиб ва қўниш майдони, йўловчилар перрони, аэродром, вокзал каби объектлардан иборат миллий ва замонавий меъморчилик аъёналарини ўзида мужассамлаштирган аэропортлар тармоғи шакллантирилди. Уларнинг халқаро мақомга эга эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

АВГУСТ ОЙИДА ҚИЛИНГАН МЕХНАТ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

Бугун дала айланган кишининг кўзи қувнайди. Баравж ривожланаётган гўзалар шигил кўсақдан маржон таққан. Бу, шубҳасиз, яратилажак катта пахта хирмонидан нишондир. Ой охиригача парваришни бўшаштирмасак, экин янада яшнайди, кўсақлар бўлиқ бўлиб, ҳосилга барака қиради.

Парваришдаги муҳим босқич

Кейинги йилларда, айниқса, гўза уруғчилигига катта эътибор қаратилиб, асосий майдонларда юқори сифатли тола берадиган, курғоқчилик ва касалликларга чидамли, энг асосийси, эртапишар навлар парваришланапти. Натижада ҳосил нисбатан эрта пишиб етилиб, пахта йғим-терим мавсуми ҳам йилдан-йилга қисқармоқда.

Бизнинг фермер хўжалигимиз 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 190 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Ҳар йили давлатга пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш бўйича шартномавий режаларни ошириб бажарамиз. Жумладан, ўтган мавсумда ҳар гектар пахта майдонидан 30 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, пахтачиликнинг ўзидан 400 миллион сўм даромад кўрдик.

Бу йил ҳам мўл ҳосил яратишни ният қилганмиз. Шу мақсадда эрта баҳорда 100 гектардан ортқ майдонга гўзанинг “Наманган-77” навини экиб, чигитни бехато ундириб олдик. Агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш пайидан бўлиб, ниҳоллар чинбарг чиқарган палладан бошлаб, ҳозирга қадар қатор ора-ларига етти марта чуқур ва сифатли ишлов бердик. Гўза айнаи гулга кирганда эса гектарига қўшимча равишда 500 килограмдан маъданли ҳамда уч тоннадан маҳаллий ўғит киритиб озиклан-тирдик. Пировардида экин ривожли тезлашиб, гуллар кўсақларга айланди. Ҳозирги кунда ҳар бир туп гўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсақ бор.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фаол ва ташаббускор маҳаллалар сараланди

Аввал хабар қилинганидек, жойларда “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг худудий босқичлари бўлиб ўтмоқда.

ЖИЗЗАХ вилоятида самарали фаолият кўрсатаётган 300 дан ортқ фуқаролар йиғинлари ҳам танловнинг куйи босқичларида фаол қатнашди. Айниқса, уларнинг худудларда амалга ошираётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда “Ота-оналар университети” ишини самарали ташкил этиш, шунингдек, аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида эришган ютуқ ва натижалари барчада катта таассурот қолдирди.

— Маҳалламиз худудида 6 та маиший хизмат

кўрсатиш корхонаси, 23 та оилавий тадбиркор, 28 та касаначи самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейди Жиззах шаҳридаги “Ҳамза-обод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Неймат Қобилов. — Жорий йилнинг ўтган даврида соҳани ривожлантириш ҳисобига яна 16 та иш ўрни яратилди. Оилаларни мустақамлаш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишларидаги фаолияти мизда худудимиздаги корхона ҳамда ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик аҳамияти катта бўлмоқда.

Ҳакамлар хайъати аъзолари ушбу фуқаролар йи-

ғини фаолиятини юқори баҳолади ва уни биринчи ўринга муносиб, деб топди.

Кўрик-танловнинг **БУХОРО вилояти** босқичида Ғиждувон туманидаги “Тошлок” маҳалла фуқаролар йиғинига омад кулиб боқди.

— Ютуғимиз тасодиф эмас, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Шамсиева. — Маҳалламизда доимий комиссиялар билан ҳамкорликда ишлаш изчил йўлга қўйилгани ютуқларига эришилди. Уларни миллий қадриятлар ва урф-одатларга ҳурмат, она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатимиз юқори самара берапти. Кейинги бир неча йил мобайнида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги умуман қайд

этилмагани фикримиз тасдиғидир. Буларнинг барчаси танлов хайъати томонидан эътироф этилди. Албатта, кўриқнинг республика босқичида ҳам муносиб қатнашишга ҳаракат қиламиз.

Урта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган танловнинг **ТОШКЕНТ вилояти** босқичида таъкидланганидек, ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳасини маҳалладан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Одамлар бир ишни бошлашдан аввал маҳалла идораси эшигини қоқмоқда. Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси, иштироки ва кўмаги билан ҳал бўлаётган масалалар жуда кўп. Буларнинг барчаси мустақиллик йилларида маҳалла янги мақом ва кенг ваколатлар берилгани шарофатидандир.

(Давоми 2-бетда).



Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан жорий йилнинг августи юртимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрлар оша ўтиб келаётган кўплаб эзгу қадриятлари, урф-одатлари мавжуд. Шулардан бири, шубҳасиз, халқимизга хос ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат ифодаси бўлган ҳашардир. Айтиш жоизки, истиқлол шарофати билан ҳашар янгича мазмун-моҳият касб этди ва ўзгача суръат олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустақамлашнинг асосий йўналишлари бўйича атрофича фикр алмашилади. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиши, Ўзбекистон ва Хитойнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар илмий-экспертлари доиралари вакилларидан қўловлар келиши давом этмоқда. Жумладан, халқимизни тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ айём билан қутлар экан, Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Халқаро ҳамкорлик департаменти директори, профессор Ли Ихай ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этган:

Ли Ихай:

«Ўзбекистоннинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги муваффақиятлари алоҳида эътиборга сазовор»

— Яқинда академиямиз делегацияси таркибида гўзал ва бетакорр мамлакатингизга боришга муяссар бўлдим. Ушбу сафар хотирамда ўчмас таассурот қолдирди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан буён Президент Ислам Каримов томонидан эълон қилинган беш тамойилга қатъий амал қилиб келмоқда. Ўзбекистон жаҳон экспертлари доирасида “Ўзбек модели” сифатида машҳур бўлган бу тараққиёт йўлидан илдам оқимлаб бораётгани ҳолда, каттадан-катта зафарларни қўлга киритди. Биз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва барқарорлиқни сақлаш орқали Ўзбекистон келажақда бундан-да улкан муваффақиятларга эришади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар йилнинг муайян ижтимоий йўналишга бағишланиш Ўзбекистонда яхши аниёнага айланган. Жорий йилда мамлакатда “Соғлом бола йили” Давлат дастури амалга оширилмоқда. Бизнинг фикримизча, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан уйғун бўлган ана шундай тараққиёт мамлакатнинг умумий ривожига ва муҳим стратегик ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади.

Ҳар бир йил ижтимоий тараққиётнинг муайян қиррасига йўналтирилиши аниёнаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш таъминининг амалдаги ижросига алоҳида эътибор қаратилишидан далолат берадики, бу чуқур ҳурматга лойиқдир.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурининг ижроси ёш авлодининг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши эса мамлакат ва жамиятининг янада тараққиёт этиши учун мустақам замин яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг кўп сонли жамоаси Цзянсу провинциясидаги Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларида иштирок этади. Улар муносиб совринларни эгаллашга биз шубҳа қилмаймиз. Чунки ўзбек спорт усталари халқаро майдонда улкан зафарларни қўлга киритиб келаётганидан хабардоримиз.

Ўзбекистоннинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги муваффақиятлари алоҳида эътиборга сазовор. Мамлакатнинг бу жабҳада тўплаган бой тажрибаси, тиббиёт соҳаси олимларининг илмий ишланмалари дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ли Ихай:

«Ўзбекистоннинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги муваффақиятлари алоҳида эътиборга сазовор»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ижтимоий соғломликнинг тараққиётига устувор вазифа сифатида қарамокдаки, бу нафақат барқарор ривожланишни таъминлашга, балки ислохотлар жараёнида халқнинг кўллаб-қувватлаши ҳамда ўзаро ҳамжихатлик муҳити мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади.

Кўпгина таниқли халқро экспертларнинг эътирофи этишича, миллатлараро осойишталикни сақлаш, миллат, элат ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, республикада халқлар ҳамда миллатлараро тотувлик ва ўзаро уйғунлик муҳити ҳукмронлик қилаётгани менда катта таассурот қолдирди. Мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий ва ривожлантириш, шу асосда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан зафарлар кўлга киритилди. Республикада истиқомат қилаётган турли миллат ва динга мансуб барча фуқаро ўзаро тинчлик ҳамда осойишталикда яшаётгани ҳолда, тараққиёт натижаларидан баробар баҳраманд бўлмоқда.

Жорий йилнинг июлида Шанхай Ижтимоий фанлар академиясида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим механизми" мавзусига бағишланган илмий-амалий давра суҳбати зўр муваффақият билан ўтди. Тадбир чоғида биз Ўзбекистоннинг маҳалла институти мисолида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ноёб тажрибаси билан яқиндан танишдик.

Умуман олганда, биз мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларини юқори баҳолаймиз. ХХР ҳукумати минтақавий аҳамиятга молик муаммоларнинг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон нуктаи назари билан бирдам эканлигини ва уни кўллаб-қувватлашни бир неча мартаба маълум қилганки, Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати, энг аввало, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган.

Тинчликсиз барқарор тараққиёт муҳити бўлмайди. Хитой очликчи ислохотларини амалга ошириш чоғида бунга тўла амин бўлган. Шу боис биз минтақадagi тинчликка раҳна соладиган ва тартибсиз-

ликка олиб келадиган, инсонлар ҳаёти ва мулкига таҳдид бўлмиш терроризмнинг турли кўринишларига, экстремизм ва сепаратизм сингари бағирларга қаршимиз. Жаҳон иқтисодий ва индустриалашув жараёнида барча мамлакат ҳукумати ва халқи бир-бирини ҳурмат қилмоғи ва биргаликда ривожланишлари, шу жумладан, сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт катнови ва логистика марказларини ишлаб чиқиш масалаларида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги бугунги алоқалар юқори даражада, икки халқнинг дўстона ришталари тобора мустаҳкамланмоқда, иқтисодий, таълим, сайёҳлик, маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик изчил суъратлар билан ўсиб бормоқда. Буюк Ипак йўли Хитой ва Ўзбекистоннинг кўнрақ цивилизацияларини ҳамкорлик учун имкониятлар мавжуд. Шубҳа йўқки, мамлакатларимиз ўртасидаги бир-бирини тўлдириб борадиган ўзаро ҳамкорлик ва маданий алмашувлар давом этаверади.

«Жаҳон» АА. Шанхай

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур объектларга халқаро сифат менежменти тизими ва замонавий техникалар жорий этилиб, йўловчи терминаллари кўпайтирилди. Аини чоғда "Тошкент" халқаро аэропорти терминалидаги VIP ва СIP заллари таъмирланаяпти. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Фаргона" аэропортида янги аэровокзал мажмуи ишга туширилиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси хизмат кўрсатиш сифати ҳамда технологияси янада такомиллаштириб бораётганини аниқлатади. Бу, ўз навбатида, халқро миқёсда юксак даражада эътироф этилаётган. Узоққа бормаиллик, шу йилнинг июнь ойида учта аэропортимиз Фуқаро авиацияси "Аэропорт" ассоциациясининг нуфузли танловларида турли номинациялар бўйича ғолибликни кўлга киритди. "Бухоро" халқаро аэропорти йилига 100 мингдан ярим миллионгача йўловчи хизмат кўрсатувчилар орасида "Жадал ривожланаётган аэропорт" деб топилиб бўлса, "Самарқанд" ва "Урганч" халқаро аэропортлари "Ишлаб чиқаришга кўшган ҳиссаси учун" муносиб тақдирланди.

"Навоий" халқаро аэропортининг ҳам обрўси тобора ошмоқда. Бинобарин, унинг негизда ташкил этилган Интермодал логистика марказининг ишлаб чиқариш қудрати ортиб, Зарафшон маркази билан Евроосиёнинг кўпмақдал логистика марказлари боғланмоқда. Аини пайтда бу ердан Франкфурт, Инчон, Вена, Милан, Брюссель, Сарагоса, Дубай, Дехли, Тяньзинь, Ханой каби шаҳарларга парвозлар амалга оши-



«Жаҳон» АА. Шанхай

рилаяпти. Жорий йилнинг олти ойида мазкур маскан орқали юк ташувлари ҳажми 14,2 минг тоннани ташкил этгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бундай натижаларни кўлга киритишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш изчил йўлга қўйилгани катта роль ўйнамоқда. Зеро, тизимда энг сўнгги русумдаги лайнерларни бемалол бошқара оладиган учувчилар, ширинсухан ва юксак муомала маданиятига эга борт кузатувчилари, шунингдек,

ри ёрдамида учувчи таркиб реал воқелик шароитида машғулот ўташи уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда асосият.

Авиатехника воситаларининг соълиги парвозлар хавфсизлиги гаровидир. Марказий Осиёдаги фуқаро авиацияси воситаларига барча турдаги техник хизматларни кўрсатувчи энг йирик авиатаъмирлаш корхонаси — "Uzbekistan Airways Technics" мазкур масъулиятли вазифани шараф билан

ри ёрдамида учувчи таркиб реал воқелик шароитида машғулот ўташи уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда асосият.

Авиатехника воситаларининг соълиги парвозлар хавфсизлиги гаровидир. Марказий Осиёдаги фуқаро авиацияси воситаларига барча турдаги техник хизматларни кўрсатувчи энг йирик авиатаъмирлаш корхонаси — "Uzbekistan Airways Technics" мазкур масъулиятли вазифани шараф билан

ри ёрдамида учувчи таркиб реал воқелик шароитида машғулот ўташи уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда асосият.

ри ёрдамида учувчи таркиб реал воқелик шароитида машғулот ўташи уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда асосият.

ҳаво алоқалари ўрнатилди. Термиздан Санкт-Петербургда, Урганчдан Волгоградга янги муносабат қатновлар очилди... Бу каби янгиликлар туфайли Миллий авиациония 2014 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра, муайян ютуқларни кўлга киритди.

Гап шундаки, ушбу даврда 11,4 минг рейс амалга оширилиб, 1,2 миллиондан ортиқ йўловчилар ўз манзилига етказилди. Почта ва пуллик бағажни ҳисобга олганда,

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: Юксалишнинг янги уфқлари



адо этиб келмоқда. Бу ерда нафақат маҳаллий, балки хорижий ҳаво транспорти воситаларига ҳам юқори даражада техник ва таъмирлаш хизматлари кўрсатиш бўлмоқда. Хозирги пайтда корхона негизда "Боинг" компания-

20 минг тоннадан зиёд юк ташилди. Бу кўрсаткичлар узқони ўйлаб амалга оширилаётган чора-тадбирлар, пухта амалий ҳаракат, сидқидилдан қилинаётган меҳнат мевасидир.

Хозирги кунда авиаташув тизими янада такомиллаштириш ва Халқаро авиация иттифоқи — "SkyTeam" аъзоси бўлишга йўналтирилган тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Буларга эришиш ҳаво йўлларимизнинг дунё миқёсда тугган ўрнини янада мустаҳкамлаш, қатор преференцияларга эга бўлиш, рейслар харитасини кўпайтириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юк ташуш тизимини жадал ривожлантириш, юртимиз авиасаноати ҳамда туризм индустриясининг янада юксалишига мустаҳкам пойдевор бўлади.

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Президентимизнинг юртимизда камолга етиб келаётган ёш авлод ҳақида айтган шундай сўзлари бор: "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир". Аини шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли мамлакатимизда ёшларга беқиёс имкониятлар яратиб берилган. Уларнинг бахти ҳам, фахри ҳам ана шунда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатини сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида пойтахтимизда ташкил этилган "Истиқбол фарзандлари" ёшлар фестивали ҳам йигит-қизларимизни миллий истиқлол ғояларига кечкис садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда демократик жамиятни ривожлантириш йўлидаги ишларга дахлдорлик тўйғусини шакллантириш ва бу эзгу интилишларни давом эттиришдаги масъулиятини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятландир.

барча худудидан иқтидорли ёшлар таклиф этилди. Улар бу вақт оралигида пойтахтимизда сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, олий ўқув юртлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ийит-қизларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, амалдаги қонунлар моҳиятини ёшларга тарғиб этиш бугуннинг бош вазифаларидан биридир. Шу нуктаи назардан уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан танишуви фийҳатини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятландир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган турт кунлик фестивалга республикамиз

тарбия ва унинг сифати, тадбиркорлик, иқтисодий, бандлик, ёшлар билан ишлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

"Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали доирасида "Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Ирматов билан бўлиб ўтган учрашув ёшларда унутилмас таассурот қолдирди. Айтиш жоизки, учрашув бошланишидан олдин "Бунёдкор" стадиони мажлислар залида Равшан Ирматов ҳақидаги янги китобнинг тақдими ҳам ўтказилди. Бу китоб учрашув иштирокчиларига совға сифатида тақдим этилди.

— Мазкур ёшлар фестивали иштирокчиси бўлиш менга ҳам катта фахр бахш этди, — дейди "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибни Равшан Ирматов. — Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзлари ҳар биримизнинг қалбимиздан мустаҳкам жой эгаллаган. Биз бугунимиз ва эртанимиз эгалари бўлган ёшларга ишонимиз, уларга суянаимиз.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Парваришдаги муҳим босқич

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тажрибадан маълумки, ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи ҳисобланган август ойида чин дилдан меҳнат қилган деҳқон пахтадан юксак хирмон ўлди, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади. Шу боис ҳосил элементларини тўлиқ сақлаш ва кўпайтириш учун зарур барча чора-тадбирни вақтида кўраямиз. Суғоришни фақат "шарбат" усулида амалга ошираётганимиз туфайли экинлар қониб сув ичаёпти.

Август ойида ҳосил зараркунандаларига қарши астойдил курашилмаса, кўсак қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира каби офат деҳқонни доғда қолдириши ҳеч гап эмас. Чунки кечалари ҳароратнинг нисбатан пасайиши уларнинг кўпайишига кулай шароит яратади. Биз бу борада яхши самара бераётган биологик усулни кенг қўллаймиз. Мазкур жараёнда туманимиздаги "Аслиддин Зиё" ва "Осиё Сурхон" биологикарилари-

нинг тажрибали энтомологлари биз билан елкама-елка туриб хизмат қилишмоқда. Бу ҳосил кушандаси нишон берган пайкални вақтида аниқлаш ва шу захотиёк керакли микдорда бракон, олтинкўз, трихogramма сингари биомасулотлар чиқариш имконини бераёпти. Бундай саъй-ҳаракатларимиз боис зараркунандаларнинг урчиш хавфи батамом бартараф этилмоқда. Барча агротехника тадбирлари обитобида, сифатли ўтказилаётгани

Алимардон ОМОНОВ, Денов туманидаги «Шерзод» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.

Бизнес лойиҳа самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Избоскан туманидаги "Produce of universal" хусусий корхонаси томонидан "УзТонгХонг" жамоасига 16 турдаги бутловчи қисмлар етказиб берилмоқда.

Яқиндан бошлаб эса бу ерда мебель жиҳозлари учун деталлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Дастлабки маҳсулот юқори сифати билан маҳаллий хунарамандларга маъқул келди. — Саъй-ҳаракатларимиз натижасида ўнга яқин иш ўрни яратилди, — дейди корхона раҳбари Давлатбек Мамажонов. — Фаолиятимизни кенгайтиришда ҳамда янги миқозлар топганимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқда. Хозир улар кўмағида янги бизнес лойиҳалар устида изланишлар олиб бораёямиз.

Саиджон ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маҳалла аҳолиси билан ишлашнинг масъулияти катта, — дейди совриндорлардан бири, Қибрай туманидаги Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Тошматова. — Шўкри, маҳалламиз тинч-осойишта, одамлар аҳил, меҳр-оқибатли. Икки ярим мингдан зиёд аҳоли, 650 та оила бор. Шулардан 470 га яқин хонадон томорқа хўжалиги, 60 дан ортиги тадбиркорлик билан шуғулланиди. Кейинги пайтларда худудимиз бунёдкорлик ишларига айланди. Қурилган янги ижтимоий инфратузилма объектлари маҳалламиз хуснига хусн қўшмоқда. Қизгин кенган баҳс якунида Паркент туманидаги "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб, деб топилди.

Фаол ва ташаббускор маҳаллалар сараланди

Президентимиз раҳнаомлигида маҳалла институти ривожлантириш ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида ишлар бугун қандай юксак самаралар бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда фаолларни рағбатлантириш юзасидан кўрсатилаётган чора-тадбирлар ишимиз самарасини оширишда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур танлов ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шулар хусусида атроф-

лича сўз юритилган танловнинг НАВОЙИ ВИЛОЯТИ босқичида 10 та фуқаролар йиғини ғолиблик учун баҳсга киришди. Яқинда ҳақамал хулосаси билан Навоий шаҳридаги "Кимёгар" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. — Маҳалламизда 1600 та оила тинч-тотув яшаб келяпти, — дейди ғолибликка эришган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уктам Мирзаев. — Энг муҳими, бугунги кунга келиб, оилавий тадбиркорлар сафи

кенгаймоқда. Бу худудимизнинг янада обод ва файли бўлишига хизмат қилаётир. Танлов ҳақида гапирсак, маҳаллада маънавий муҳитни қарор топтириш, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда асқатадиган илғор тажрибаларни кўлга киритиш имконини берганлиги билан, айниқса, аҳамиятли бўлди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган танловнинг САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ босқичида 16 та жамоа иштирок этди. Уларнинг худудларда амалга ошираётган

Яқинда Пастдарғом туманидаги "Зангибой" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси ғолиб чиқди.

— Маҳалламиз спортчилари ва хунарамандлари билан вилотятда ном қозонган, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмоил Сапаров. — Спортчилар турли мусобақаларда фахрли ўринларни кўлга киритаётган бўлишича, хунараманду қосибларимиз тайёрланган маҳсулотлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларга ҳам маъқул келмоқда. Танлов чоғида биз ўзлаштирган илғор тажрибалар бу борадаги ишшимизни янада кучайтиришда аини мудоа бўлади, деб ўйлайман.

Қўрик-танловнинг худудий босқичлари давом этмоқда.

Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

ИНТИЛИШ

Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғида фаолият бошлаган "Водий ипак гилами" қўшма корхонаси энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида дастлабки маҳсулотларини буорт-мачиларга етказиб бера бошлади.

Жаҳон бозорида харидорғир

Хозир бу ерда дунё бозорида харидорғир бўлган ипак гиламлар тайёрланаёпти. Яна бир муҳим жиҳати, корхонада маҳсулотлар тўлиқ кўлда тўқилади. Хар бир гиламини битказиш учун турт нафар тўқувчи 7-8 ой меҳнат қилиши лозим. Табиийки, аини жараёнда маҳсулот чинакам санъат асарига айланади. Қадимий усулда ишлайдиган тўқув дастгоҳлари ҳамда бўяш-пардозлаш ускуналарини ўрнатиш тадбирларига хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда 320 минг АҚШ долларлик сармоя жалб этилди. Аини пайтда қишлоқ аёлларидан 30 нафари ишга қабул қилинди. Келгуси ойдан улар сони 70 кишига етади.

— Йирик ҳажмдаги гиламларимиз тўласинида ташқи бозорга чиқарилади, — дейди қўшма корхона бош директори Элмурод Мамадалиев. — Уларга хозирданок Греция, Франция, Буюк Британия сингари давлатлардан буюртмалар келиб тушаёпти.

Айтиш лозимки, янги корхона тўла қувват билан ишлаб бошлашга, йилига 140-150 донга гилам тайёрлаб, 2,5 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт амалиётларини бажариш ҳам кўзда тутилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАВРА СУХБАТИ

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотариот ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

нодавлат нотариот ташкилотлари фаолашувининг муҳим шартидир

Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотариот ташкилотлари миллий ассоциацияси — ЎЗННТМА, Ўзбекистон нодавлат нотариот ташкилотлари кўлаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ҳудудий нодавлат нотариот ташкилотлари ривожланиш самардорлигини ошириш" мавзусида ўтказилган давра суҳбатда шулар алоҳида қайд этилди.

жамияти институтларининг фаолиятини тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бу борада мустақим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

— Айни пайтда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотариот ташкилотлари сони 650 дан зиёдни ташкил қилади ва бу 2000 йилдаги нисбатан қариб уч марта кўпдир, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти бўлими раҳбари ўринбосари Бахриддин Холбўтаев.

ижтимоий шерикликни янада кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширади, — дейди "Умид" хайрия жамоат бирлашмаси директори Нилуфар Ибрагимова.

оид давлат сиёсатини амалга ошириш, спортни омаллаштириш, имконияти чекланган шахсларни кўлаб-қувватлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги маъвқени юксалтириш каби йўналишларда фаол иш юритмоқда. Мазкур жараёнда ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилинаётгани ўз самарасини бераётди. Ўтган йили Ўзбекистон нодавлат нотариот ташкилотлари миллий форумининг Тошкент вилояти минтақавий босқичи ташкил этилди ва унда уюштирилган хайрия тadbирлари боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон ҳамда ота-онасиз юзлаб болаларга унутилмас таасуротларни туҳфа этди.

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Жазони ижро этиш бош бошқармаси
58 дона «Sony HDR-PJ430VE» русумли рақамли видеокамера,
58 дона «Canon IXUS 133 Black» русумли рақамли фотоаппарат
ва 58 дона «Philips DVT 3600» русумли рақамли диктофон

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ободонлаштириш бошқармаси
Йўл қурилиш фирмаси ва корхоналарига йўл қуриш учун тендер савдолари эълон қилади.
Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Сангардак маҳалласи қишлоғи аҳоли пункти ички автомобиль йўлини жорий таъмирлаш.

ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
«Capital realtor group» МЧЖ Фаргона филиалида 2014 йил 5 сентябрь кунини соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2013 йил 10 октябрдаги 11-1332/9830-сонли ва 2014 йил 17 февралдаги 11-1302/15157-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Лаззат кўчаси, 1-уйда жойлашган, литер-0008 бўлган, жами қурилиш майдони 1116,92 кв.м., каровис, таъмирталаб ҳолдаги нотурар бино савдога қўйилмоқда.

«Respublika mulk markazi» ЕАЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Олмалик шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 5 мартдаги 10-1304/21406-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳри, Примкулов кўчаси, 2-уйда сакланаётган, елимлаш қурилмаси (аппретурноне оборудование) — 1 дона, нотўқима материал ишлаб чиқариш қурилмаси — 1 дона, крадинг титиш машинаси (чесьальная машина крадинг) — 2 дона, титиш дастгоҳи (чесьальный станок) — 1 дона, махмуви (комплексный) титиш дастгоҳи — 1 дона, киркиш дастгоҳи (резальный станок) — 1 дона, игна уриш дастгоҳи (иглопробивной станок) — 2 дона, нотўқима гилам линияси (нетканная ковровая линия) — 1 донадан иборат ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва қурилмалари биргаликда қўйилмоқда.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 5 августдаги 11-1329/7500-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мирзаахмедов Абдулжобор» Х/Кга тегишли, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Далварзин» ф/у, 2-бўлимида жойлашган, умумий майдони 0,15 гектар бўлган АЕҚШ биноиншоотлари қўйилмоқда.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Жиззах вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход ва Кичик халқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖ ҳисобидедаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш («Анварбек» тўйхонаси) биноси такроран қўйилмоқда.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 9 сентябрь кунини соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

ИФТИХОР

Истиқлолнинг нурафшон ёғдуси қалбларимиз, руҳиятимизга кўтаринки кайфият, латифлик, жўшқин ҳис-туйғуларни киритди, десак, асло муболага эмас. Бунинг исботини кўрмоқчи бўлсангиз, гўзал урф-одат ва анъаналаримиз тимсоли — тўйларимизни кузатинг. Аслида, тўқинлик, фаровонлик бор жойда тўй-томошалар бўлади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бундай шодиёналарда мамлакатимиз тинчлиги, истиқлол берган имкониятлар учун шукроналар айтилмоқда. Шу ўринда ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеани сўзлаб берсак.

Мунаввар кунлар шукуҳи



Бундан бир неча йил олдин яқин танишларимиздан бирининг қизи Наргиза Ўзбекистон Миллий университетида ўқиб, хоразмлик курсдошига турмушга чиққан эди. Яқинда унинг кенжа укаси уйланди.

— Опа, ростини айтсам, Хоразмдаги бунёдкорликларни кўриб, ҳавасим келарди, — дея гап бошлади у. — Ҳозир чамаласам, Фаргонага йўлми ташмаганига икки йилдан ошибди. Укамнинг тўйи баҳона келдимۇ ҳайратландим: шаҳримиз бутунлай ўзгариб кетибди. Бири-биридан чиройли, шинам уйлар қурилибди. Жиянларим бе...



юрсангиз, қалбингизни ажиб бир ҳис-туйғу қамраб олади. Бу каби масканларда эртани эгалари, дилбандларимиз қамол фарзандлар бўлиб камол топмоқдалар. Хусусан, бугун Фарғонанинг қайси бир ташкилоти, корхонаси, фермер ҳўжалигида бўлманг, у ерда, албатта, шижоати

ёшларнинг ўзи бошқармоқда. Чет эллик мутахассислар ёшларимизнинг тафаккури, шижоати ва билимдонлигига юксак баҳо бераётганлиги бежиз эмас. Зеро, ёшларимиз давлатимиз раҳбарининг гамхўрлиги, меҳри, эътибори тўғрисида ҳеч қимдан кам эмасликларини исботлашмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун ўғил-қизларимизга дунё ҳавас кўзи билан қарамоқда. Ахир навқирон авлоднинг ғайрат-шижоати ҳар бир қадамдаги бунёдкорлик, яратувчанликда кўзга яққол ташланмоқда. Бинобарин, истиқлол уларнинг бундай эзгу интилишлари, бегубор орзу-умидларига йўл очиб берди. Шу ёшларимиз дадил одимлар билан эл-юртга хизмат қилишни, Ватан тараққийига муносиб ҳисса қўшишни энг олий мудо, деб биладилар. Давлатимиз раҳбари "Менинг болаларим" деб доимо эътибор ва гамхўрлик кўрсатадиган ана шу бахтиёр авлоднинг улкан мақсадлари рўёбга чиқши, шубҳасиз. Негаки, пок ниёт билан яшаш ҳам эзгуликдир. Шундай экан, юртимизда ҳаммиса мунаввар ёғдулар порлаб туришига ишончимиз қомил.

Энаҳон СИДДИҚОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари.

«Сирдарё оқшомлари»

Гулистон шаҳар истироҳат боғи ҳамда Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри майдонида мустақилгимизнинг 23 йиллигига бағишланган «Сирдарё оқшомлари» номли маданий-маърифий тадбир ўтказилмоқда.

ТАДБИР

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят театри, туман

ҳамда шаҳарлар маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бадий ҳаваскорлик жамоалари,

мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари томонидан концерт дастурлари намойиш қилинаётди. Эътиборлиси, унда мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳамда воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги улкан ўзгаришлар бадий-мусиқали чиқишлар орқали моҳирона акс эттириляпти.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Спорт

Навоийда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

Чемпионат баҳслари якунланди

Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада югуриш, узунликка сакраш, эстафета бўйича ҳар бир вилоятдан 4 нафар ўғил ҳамда 4 нафар қиз боладан иборат жамоалар совринли ўринлар учун беллашди.

Яқунда андижонлик ёш спортчилар энг яхши натижага эришиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти вакиллари мос равишда иккинчи ҳамда учинчи ғолибларни банд этди.

Мезбонларга тенг келадигани

ТОПИЛМАДИ

Нукус шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида спортнинг кўл тўпи тури бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уч юзга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Қизқарли кечган мусобақа якунида ўғил болалар ўртасида мезбонлар биринчи ўринни, жиззахликлар иккинчи ва хоразмлик ёш спортчилар учинчи ўринни қўлга киритди.

Қизлар ўртасида эса Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари совринли ўринларга сазовор бўлди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank

юртдошларимизни

Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 23 йиллик байрами билан қўшлайди!

Энг улғу ва энг азиз айём барчага тинчлик-тотувлик, оилавий хотиржамлик олиб келишини тилайди ва қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

«Янгилик»

Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

«Баракали мавсум»

Омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади.

«Фойда»

Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

«Файзли»

Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади.

«Даромадли»

Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

«Яхши ниёт»

Омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Талаба»

Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«Финанс»

Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«Капитал»

Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Фортуна»

Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад»

Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Хонадон»

Маблағлар 1 йилдан ортқ муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал»

Муддати — 1 йил.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағлар қабул қилинади.

Батафсил маълумот билан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99871) 150-76-53, 150-39-93.

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси томонидан

2014 йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz, 4 апрель куни Республика товар хом ашё биржасининг uzex.uz сайтларида ҳамда 5 апрель куни «Маърифат» газетасининг 28 (8677)-сонидан ва 23 апрель куни «Халқ сўзи» газетасининг 78 (6008)-сонидан 2014 йилда умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мусиқа чолғу асбоблари ва инвентарлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, очик тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

Мазкур берилган эълон муддати қуйида кўрсатилган лотлар бўйича узайтирилганлигини маълум қиламиз.

Table with 3 columns: T/p, Lot nomi, Lot raqami. It lists 4 lots related to laboratory equipment and furniture for schools.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2014 йил 28 август куни соат 17.00 гача этиб белиланган.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва яқшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги кунигача ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24, факс (8-371) 239-89-58.

WWW.XS.UZ

Тошкент: Китобни қадрлайдиган, уни севиб мутулаа қиладиганлар орамизда жуда кўп. Бугунги глобаллашув замонида ҳам китоб ўз қадри ва қимматини йўқотмаган.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Ю. Буранов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5